

«Йил имоми - 2022» танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари аниқланди



15:36 / 15.08.2022 2369

Бугун, 15 август куни «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» мажмуасининг конференц залида «Йил имоми - 2022» танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Танлов ҳайъат аъзоларининг саралаш натижаларига кўра, қуйидаги қатнашчилар ғолиб деб топилди:

1-ўрин: Собиров Ахатхон Музаффарович Шайхонтоҳур тумани «Ислом Нури» жомеъ масжиди имом-хатиби;

2-ўрин: Турдибеков Шокир Умаралиевич Янгиҳаёт тумани «Қорасоқол ота» жомеъ масжиди имом ноиби;

3-ўрин: Исмоилжонов Исроилжон Исмоилжон ўғли Яшнабод тумани «Холид Ибн Валид» жомеъ масжиди имом-хатиби.

Ғолиблар ва бошқа барча қатнашчилар ташаккурнома ва совғалар билан тақдирланди.







